

**Насиба МИРЗАЕВА,***A.С.Пушкин номидаги Самарқанд вилоят ахборот-кутубхона маркази Фойдаланувчиларга хизмат кўрсатилиши бўлими мудири*

БУВИМ ЎҚИБ БЕРГАН КИТОБЛАР

This book, which is presented to you, is a part of the works of Utkir Hoshimov, which is very important for the reader's heart. In his work, he has mastered the life of his nation, which he had experienced during the war, in the case of a number of difficulties and complicated fronts, covering forty years. Whatever the circumstances of the time and the era, the human dignity of the people, the fate of the country, the people, the fate of the Motherland, and the loss of a child, can create a source of joy for himself. Thank you for the happiness you have today and for the happiness of your children after reading this book, which describes the fate of people who have been subjected to war, in order to decorate their life with love and affection.

This writer's work was called «between two doors» and was written in 1982-1885.

Ишдан келиб, диванда китоб ўқиб ўтирибман-у, дафатан атрофга разм солдим. Уйимнинг тўрида жавонга териб қўйилган китобларнинг орасида бувим менга совға қилгандари нимагадир хаёлимда алоҳида ажralиб турдигандек туюлди. У кишининг менга совға қилган Чингиз Айтматов, Тоҳир Малик, Сайд Ахмад ва машҳур чет эл ёзувчиларининг асарлари бу жавондан жой олган. Китоблар орасида Ўткир Хошимовнинг “Икки эшик ораси” романи мен учун энг қадрли хисобланади. Чунки, бувим билан менинг ўртамиизда энг кўп муҳокама ва мунозараларга сабаб бўлгани айнан мана шу асардир.

Болалик кезлари бу китобни ўқиб тушунмаган жойларимни бувимдан қайта-қайта сўраб, мазмунига чуқур кириб бормагунимча тинчимас эдим. Асарда мен жуда қаттиқ таъсиранган даврлар, оиласлар, даладаги ишлар жараёни, одамларнинг бир-бири билан муносабатлари, яшаш шароитлари, ўша давр кийимлари, урф-одатларимиз ҳамма-ҳаммаси бувим тасвирлаб бергандек халигача кўз ўнгимда. Бувимни ўз ҳолижонига қўймасдан савол кетидан савол берардим. Озроқ жим тургин болам, мен ўз ишларимни қилай, деб зардаланарди баъзан. Мен у кишиниг зарда гапларига ҳам парво қилмасдан савол беришдан чарчамасдим, аксинча воқеалар ичига кириб бориш, асар қаҳрамонлари билан яқиндан танишиш, уларнинг ҳаёти, ташвишлари мен учун жуда-жуда қизиқарли эди:

- Буви нима учун бу асар икки эшик ораси деб номланган?

- Асар воқеалари икки эшик орасида бўлиб ўтганми?

Ёки қуёшнинг илтижоларини ўқиб бераман бувимга: “Бир киприк қоқбулик қисқагина умрингизда тинч-тотув яшасаларинг бўлмайдими? Гоҳ нон талашасизлар, гоҳ шон! Гоҳ макон талашасизлар, гоҳ имон? Ахир ҳаммангиз инсонсизлар-ку. Ҳаммангиз менинг болаларимсиз-ку, мен сизларнинг отангизман-ку. Бир-бирларингиз билан қирпичоқ бўлаверишларингни қўриб чарчаб кетдим-ку. Етар ахир, етар, болажонларим! Ўз онангизни – Ер куррасини адойи тамом қилиб тинчимоқчимисиз?! Онангиз шу умидда тукқанмиди сизни?! Шу ниятда кўтариб юрибдими кўксид!” Яна савол бераман: Бувижон Қуёш ҳам инсонлардан хафа бўлди. Ахир одамларга нима бўлган? Қуёшнинг шу ҳайқиригини эшитмайди?

Ҳақиқатдан асарни ўқиши давомида ҳам гувоҳи бўлдик-ки, одамлар бир-бировига чоҳ қазиди, бир-бирининг кўзига чўп солади, хиёнат қилади. Бир-бировларини алдашади.

Бувим ҳам эринмасдан ҳар бир жумласигача тушунтириб берардилар. Мен хозир ўйлашиб карасам, бувим жуда оқила, билимдон аёл бўлган эканлар. Ўқиган ҳар бир асари юзасидан берган саволимга ҳар доим тез, аниқ, қисқа ва лўнда жавоб топа олганлар.

Бувим кечалари кўп китоблар ўқиб берардилар. Ҳаммаёқ жим-жит, осудалик фақат бувимнинг майин овозлари эшитиларди. У киши эртаклар ўқиб берганларида биз болалар эртак оламига

шўнғирдик, сехрли, мўъжизали эртаклар оламида сузуб, учиб юрар эдик. Айниқса, “Алпомиши”, “Ғўрўғли”, “Кунтуғмиш” достонларини ўқиб берган пайтлари бизлар ҳаммамиз гўёки нафас олмаётгандек жим туриб, мазза қилиб эшитардик. Биз энг асл эртаклар, достонлар эшитиб катта бўлган болалармиз, деб фахрлансам ҳам арзиди. Болаликда ўқиган китобларимизни болаларча талқин қилғанмиз, ижобий қаҳрамонларга ўхашаш учун интилғанмиз.

Орадан йиллар ўтиб, улгайиб, яхши-ёмонни фарқига борадиган бўлдик, китобларга қизиқишимиз ошса-ошдики, камайгани йўқ. Умри узок асарлар, бир марта ўқиладиган асарлар фарқига борадиган бўлдик. Мен кўпинча ёшлигимда ўқиб, бувим билан муҳокама қилган асарларни яна бир бор қўлга олишга ҳаракат қиласман. Хусусан, Ўтқир Ҳошимовнинг “Икки эшик ораси” асарига яна мурожаат қилишга, яна такрор ва такрор ўқиб чиқишга тайёрман.

Китобни ўқиб бу асарда тасвирланган қаҳрамонлар матонатига қойил қолмасдан иложимиз йўқ. Ҳозирги ёшларимизда, йигит-қизларимизда ўша даврдаги жасурликни топа оламиزم? Биз ҳозир шундай озод ва обод замонда яшаётганимизни қадрига етаяпмизми? Тўйиб оқват емаган, лекин ватан равнақи учун ўз жонини аямagan совукни-совук, иссиқни-иссиқ демай ҳамма қийинчилкларга бардош берган қаҳрамонларимизни биламиزم? Ватан озодлигини сақлаб қолиш учун ўз жонини хатарга қўйган Кимсанга ўхшаган йигитларимизни, фронт ортида оғир меҳнат қилган кексалар, Оқсоқол, Дума, Комил табиб, Раъно, Шомурод сингари персонажлардан ташқари, Афанди домла, Самадов, Олимжон, Фотима, Зухра, Рашид абзий, Парча сингари ўнлаб катта-кичик тимсоллар, муаллимлар, ёшлар, хотин-қизлар Робия, Башорат, Қора аммалар каби инсонларнинг жасоратлари туфайли шу кунларга етиб келмадикмикан? – деб ўйлайман.

Биз шу замонда яшаб озодлигимизни, халқимиз дастурхонига берилган ушбу неъматларни қадрига бораяпмизми? Шу асарда тасвирланганидек тўйиб овқатланмаган, тансиқ таомлар емаган, лекин ҳеч қачон ҳаётдан, яشاшидан нолимаган, оғир меҳнатдан қочмаган қаҳрамонларимизга муносиб бўляяпмизми? Дабдабали тўйлар қилиб, ортиқча ҳою-ҳавасларга берилиб кетмадикмикан? “Мен сендан камми” қабилида иш тутиб, хато қилмаяпмизми, бу ишларимиз билан бу қаҳрамонларимиз қаҳрига учрамаймизми?

Мен бу асарни ўқиши давомида ўша даврга кириб бордим ва улар билан бирга яшаб кўрдим. Қийналганларида қийналдим, далага чиқиб ишлаганларида мен ҳам гўё уларга қўшилиб ишладим. Мен улар ҳаётини, яшашини, ишлашини, дам олишини, қийинчилкларини ўзимда ҳис қилдим.

Асардаги Раъно образи менда нафрат уйғотган эди, асар ўрталаридағи Раъно хикояси деб номланган саҳифаларини шу образни ёмон кўрганимдан ўқимасдан ташлаб кетардим-да, лекин яна асарни тушунмай қолмаслик мақсадида ўқиб чиқардим. Асарни ўқиши давомида Раъно боласини ташлаб кетганда ундан қаттиқ нафратландим. Воқеа давомида Умар закунчи уни алдаб, Фарғонага олиб кетаётганда мен уни алданган аёл қиёфасида кўриб унга раҳмим келди ва унга қўшилиб кўз ёш тўқдим. Чунки, бу воқеа, яъни номард Умар закунчининг сўзларига алданган, содда, ожиза аёл қиёфаси сифатида намоён бўлиши ҳар қандай инсон қалбини ларзага солади. Энг ачинарлиси – боласи ўлганлиги ҳакида Умар закунчидан эшитгани, бу аёлнинг бутун орзу умидлари нақадар паймол бўлганлиги жуда таъсирли тарзда тасвирланган. Умрининг охиригача боласини кўришга зор бўлгани, азоб чеккани ҳам унга берилган оғир жазодир. Ҳеч қайси аёл унга ҳавас қилмайди, Раъно қилган хатони қилмасликка интилади.

Воқеалар давомида Умар закунчи Раънони севиши у ёқда турсин умуман ҳурмат ҳам қилмаслиги маълум бўлади. Унинг мақсади факат Тошкентдаги Раъноларнинг ҳовлисига эга бўлиш эди. Раъно ҳаётидаги ҳеч қандай рўшнолик кўрмади. Умар закунчи унга азобдан бошқа ҳеч нарса бера олмади. Унга меҳрибон бўлган, кўз-қорачиғидек асраран Шомуроднинг ва ташлаб кетган боласининг уволи тутди уни.

Яна ўйлаб қоламан, ўзимга ўзим савол бераман, нима учун уларнинг бошига бу кунлар тушди? Лаънати уруш бўлмаганида уларнинг бошига бу қора кунлар тушмасмиди, улар баҳтли оилалардан бири бўлармиди?

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, «Икки эшик ораси» романни ўзбек ёшлари томонидан энг кўп ўқилаётган китобга айланса, ҳар бир китобхонда ҳаётдаги қийинчилкларга, оиласидаги моддий етишмовчилик, тақдир тақозосидаги турли вазиятларга қарамасдан бир-бирига меҳрли, оқибатли, сабр-бардошли, матонатли бўлиш каби инсоний фазилатларни камол топтиришда, шубҳасиз, ибрат мактаби вазифасини бажаради.